



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I

2023 yil. “1” noyabr

356-son

QR 03.05-23 “Uya tuzilishli beton buyumlar” qurilish reglamentini tasdiqlash
to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Qurilish sohasiga oid talablarni soddalashtirish hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarni tizimlashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2022-yil 6-oktabrdagi 577-son qaroriga muvofiq

B U Y U R A M A N:

1. QR 03.05-23 “Uya tuzilishli beton buyumlar” qurilish reglamenti ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Davlat arxitektura va qurilish qo‘mitasi raisining 1997-yil 2-oktabrdagi 66-son buyrug‘i bilan tasdiqlangan QMQ 3.03.07-98 “Uya tuzilishli betonlardan buyumlar ishlab chiqarish” qurilish me‘yorlari va qoidalari o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi hamda “O‘zsanoatqurilishmateriallari” uyushmasi bilan kelishilgan.

4. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir



B.Zakirov

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг
2023 йил 1-ноябрдаги
356-сон буйруғига
ИЛОВА

ҚР 03.05-23 “Уя тузилишли бетон буюмлар” қурилиш регламенти

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур қурилиш регламенти (бундан буён матнда ҚР деб юритилади) уя тузилишли бетонлар ва улардан буюмлар ишлаб чиқариш бўйича техник талабларни белгилайди.

Уя тузилишли бетонлардан тайёрланган конструкциялар ва буюмлар нормал ҳарорат ва намлик режимига эга саноат, турар жой ва жамоат биноларини қуриш учун ишлатилади.

Материалларга, арматура ва боғловчи деталларни коррозиядан ҳимоялашда уя тузилишли бетон қоришмасини таркибини танлаш ва уни тайёрлашга, буюмни қолиплаш ва унга иссиқ нам ишлов беришга, деворбоп буюмларни пардозлашга, буюм сифатини назорат қилишга уларни қабул қилиш қоидаларига, буюмларни сақлаш ва ташишга ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат хавфсизлигига бўлган талаблар келтирилган.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

- Ушбу регламентда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:
 - газобетон** – уя тузилишли бетон бўлиб, унда ғовак ҳосил қилувчи сифатида газ ҳосил қилувчи моддалар ишлатилади;
 - газ ҳосил қилувчи** – алюминий кукунининг турли маркалари;
 - кремнезёмли компонент** – майдаланган кварц қуми, майдаланган домна шлаклари, учувчан кул, рудани бойитиш маҳсулотлари;
 - кўпик бетон** – кўпик ҳосил қилувчи моддалар ғовак ҳосил қилувчи восита сифатида ишлатиладиган уя тузилишли бетон;
 - кўпик ҳосил қилувчи** – барқарор кўпикларни ишлаб чиқариш имконини берувчи сирт фаол моддаларининг турлари;
 - шлак-ишқорли боғловчилар** – алюиносиликат ва ишқорий компонентлардан ташкил топган боғловчилар;
 - уя тузилишли бетон** – бу боғловчи, кремнезёмли компонент, сув ва ғовак ҳосил қилувчидан ташкил топган қоришманинг қотишидан ҳосил бўлган сунъий тошсимон материал.

3-боб. Умумий қоидалар

2. Уя тузилишли бетон буюмлардан арматураланган ва арматураланмаган буюм ҳамда конструкцияларни (бундан буён матнда буюм деб юритилади) ишлаб чиқаришда мазкур регламентга риоя қилиниши лозим.

3. Уя тузилишли бетонлар фойдаланиладиган ғовак ҳосил қилувчисига кўра газобетон ва кўпикбетонлар билан тавсифланади. Боғловчиси ва кремнезём таркибли компонентига кўра газобетон, газосиликат, газокулбетон ва бошқаларга бўлинади. Қотиш шароитига кўра улар автоклавда қотадиган ва автоклавсиз қотадиган турларга бўлинади. Вазифаси бўйича иссиқлик изоляцияли, конструктив иссиқлик изоляцияли ва конструкциябопларга бўлинади

4. Буюм ва конструктив элементлар стандартлар ҳамда ишчи чизмаларнинг талабларига мос бўлиши лозим.

Уя тузилишли бетонлардан нормал ҳарорат ва намлик режимли турли мақсадларда фойдаланиладиган биноларни қуриш учун ишлатиладиган буюм ва конструкциялар ишлаб чиқарилади. Нам режимдаги хоналарнинг ташқи деворларида уларнинг ички юзларини буғдан муҳофаза қилиш қопламаси қўлланилган ҳолдагина уя тузилишли бетонлардан тайёрланган буюмлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Нам режимга эга хоналарнинг ташқи деворлари, шунингдек, ертўлалар ва цоколлар учун уя тузилишли бетон буюмлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5. Уя тузилишли бетонлардан буюмлар муайян хомашё ва маҳсулот тури, ишлаб чиқариш, тасдиқланган технологик хариталарга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Панелларни ҳам кесиш технологиясидан фойдаланган ҳолда, ҳам горизонтал куймоқ шаклларида ишлаб чиқаришга рухсат этилади. Панель конструкциялари камида 100 йил эксплуатация қилиш муддатига эга бўлиб, юзага келиши мумкин бўлган барча таъсир турларига нисбатан мустаҳкамлик, қаттиқлик ва ёрилишга бардошлиликни таъминлаши лозим.

6. Буюмларни ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги ва саноат санитарияси, шунингдек ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши керак.

7. Уя тузилишли бетондан буюм тайёрлаш жараёнида минтақавий шароитнинг:

- кескин континентал иқлим ҳаво ҳароратининг тебраниш даражаси қишда $-40\text{ }^{\circ}\text{C}$ дан ёзда $+50\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача бўлишини;

йилнинг қуруқ иссиқ даврининг паст нисбий намликда давомийлигини;

маҳаллий материалларнинг, айниқса бетонлар учун майда тўлдиргичларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш лозим.

4-боб. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат хавфсизлиги бўйича талаблар

8. Ишлаб чиқариш жараёнларининг бутун цикли давомидаги хавфсизлиги хавфли вазиятнинг вужудга келишининг рухсат этилган хавф-хатар даражасини сақлаб қолиш билан таъминланади ва бунга қуйидагилар орқали эришилади:

а) қуйидагиларни назарда тутадиган технологиялардан фойдаланиш:

1) ишлаб чиқариш жараёнининг нормал (белгиланган) жараёнида ҳам, фавқулодда вазиятларда ҳам ишчиларнинг зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллари билан бевосита алоқаси истисно қилинади;

2) бахтсиз ҳодисалар хавфи техника, технология ва иқтисодий мақсадга мувофиқликни ривожланиши билан белгиланадиган минимал даражага туширилади;

3) фавқулодда вазиятларда авариявий ҳолат билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ва унинг оқибатида зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларининг таъсир қилиш хавфи рухсат этилган даражадан ошмайди;

4) ишчиларни ҳимоя қилиш даражасини ошириш ва уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига қатъий риоя қилишлари меҳнат унумдорлигини яққол оширишга олиб келади;

б) муайян ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда ишлаб чиқариш бинолари, ишлаб чиқариш майдончалари ва ҳудуддаги ишлаб чиқариш муҳитини белгиланган гигиена ҳамда ёнғинга қарши меъёрлар доирасида сақлашга имкон берадиган саноат бинолари ва иншоотлари, шунингдек уларнинг муҳандислик иншоотларидан фойдаланиш;

в) эксплуатация бўйича ҳужжатларда назарда тутилган талабларни (шартларни, қоидаларни) ҳисобга олган ҳолда, автоном фойдаланиш шароитида ҳам, технологик комплексларнинг бир қисми сифатида ҳам монтаж қилиш (демонтаж қилиш), ишга тушириш ва ишлатиш пайтида ишчиларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган хавфсиз ишлаб чиқариш ускунасидан фойдаланиш;

г) ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини оқилона жойлаштириш, иш ўринлари ва меҳнат жараёнини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган эргономика ва техник эстетика талабларига ҳамда иш жойлари ва меҳнат жараёнини ташкил этишга қўйиладиган эргономик талабларга риоя қилиш;

д) оптимал меҳнат ва дам олиш режимига ҳамда юқори ишлаб чиқариш, технологик ва меҳнат интизоми риоя қилиш;

е) белгиланган технологик регламентлар доирасида ўз мақсади бўйича фойдаланиш ишчиларга зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини таъсирининг мумкин бўлмаган хавфига олиб келмайдиган бирламчи материаллар, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар (йиғинмалар, элементлар) ва бошқалардан фойдаланиш;

ж) хавфсизлик талабларига жавоб берадиган бирламчи материаллар, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар (йиғинмалар, элементлар), тайёр маҳсулотлар ва саноат чиқиндиларини сақлаш ҳамда ташиш усулларини қўллаш;

и) мумкин бўлган зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларининг намоён бўлиш хусусиятига мос келадиган ходимларни индивидуал ва жамоавий ҳимоя қилишнинг самарали воситаларидан фойдаланиш;

к) хавфли иш жойларини ажратиш ва белгилаш;

л) ходимларни танлаш ва касбга ўргатиш, инструктажлар ва стажировкалар ўтказиш, уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бўйича билимларини ва иш усулларини хавфсиз амалга ошириш кўникмаларини даврий текшириш;

м) жараён ва (ёки) унинг алоҳида операциялари хавфсизлигини, бино ва иншоотларнинг ҳолатини, ишлаб чиқариш ускуналарининг ишлашини, асбоб-анжомларнинг, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларининг яроқлилигини кузатишнинг

самарали усуллари ва воситаларини қўллаш, шу жумладан зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ўлчанадиган параметрларини уларни тузатиш мақсадида назорат қилиш.

Ишлаб чиқариш жараёнларида атроф-муҳит (ҳаво, тупроқ, сув ҳавзалари)нинг ифлосланмаслиги, зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларининг бу ҳолат учун белгиланган максимал рухсат этилган меъёрларга мос келмайдиган интенсивлик ва давомийликда хавфли зоналардан ташқарига тарқалмаслиги лозим.

Ишлаб чиқариш ускуналари операцион ҳужжатларда назарда тутилган талабларни (шартларни, қоидаларни) ҳисобга олган ҳолда, автоном фойдаланиш шароитида ҳам, технологик комплексларнинг бир қисми сифатида ҳам монтаж қилиш (демонтаж қилиш), ишга тушириш ва ишлатиш пайтида ишчиларнинг хавфсизлигини таъминлаши керак

9. Уя тузилишли бетондан буюм ишлаб чиқаришда бир неча ярусли қолипларнинг элементларини ўрнатишда ҳар бир навбатдаги ярусни фақат пастки ярус маҳкамланганидан кейингина қўйиш лозим.

10. Қолипда, ишларни бажариш лойиҳаларни жойлаштиришга, шунингдек қолипни ўрнатишда ишларни бажаришда иштирок қилмайдиган одамларнинг бўлишига рухсат берилмайди.

11. Қолипларни ечиш (бетон муайян мустаҳкамликка эришганидан сўнг) ишлар ижроси рухсати билан, алоҳида масъулиятли (лойиҳа белгилаган рўйхат бўйича) конструкциялардаги қолипларни эса, бош муҳандис рухсати билан бажарилиши лозим. Қолипларни тарқатиш унинг элементларининг тушиб кетишини олдини олувчи чораларни кўриш билан бажарилиши лозим.

12. Арматурани тайёрлаш ва унга ишлов бериш бунинг учун махсус ажратилган ва тегишлича жиҳозланган жойларда бажарилиши лозим. Арматурани тайёрлаш ишларини бажараётганда, қуйидагиларни бажариш муҳимдир:

- арматура ўрамларини очишга ва тўғрилашга мўлжалланган жойлар атрофи ўралиши лозим;

- арматура стерженларини станокларда узунлиги 0,3 м дан кичик бўлақларга кесаётганда, уларнинг учи кетишига йўл қўймайдиган мосламалар ишлатилиши лозим;

- дастак ўлчамларидан катта бўлган арматура стерженларига ишлов бераётганда ишчи ўрни тўсилиши, икки томонлама дастаклар ҳолида эса, бундан ташқари, дастакни ўртасидан баландлиги 1 м дан кам бўлмаган бўйлама металл сақлагич тўр билан ажратилиши лозим;

- тайёрланган арматурани махсус ажратилган жойларга жойлаш;

- кенлиги 1 м дан тор бўлган умумий ўтиш жойларида арматура стерженларининг уч қисмлари шчитлар билан ёпилиши лозим.

13. Арматурани таранглаш ишлари бажарилаётганда ишчилар ўтадиган жойларда баландлиги камида 1,8 м бўлган ҳимоя тўсиқлари ўрнатилиши лозим; арматурани таранглаш қурилмаси ишга туширилганида ишлай бошлайдиган сигнализация билан жиҳозланиши лозим; электр токи билан қиздириладиган арматура стерженларига одамларнинг 1 м дан кам масофага яқинлашиши тақиқланади.

14. Арматура синчлари элементларини уларни кўтариш, йиғиш ва монтаж жойига ташиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда пакетлаш лозим.

15. Бункерлар ёки бошқа идишлардаги инерт материалларни иситиш учун буғдан фойдаланилганда, буғнинг ишчи хоналарга киришини олдини олувчи тадбирлар кўрилиши лозим. Буғ ўтказгичнинг герметиклиги ва иссиқлик изоляциясининг бутлигини даврий текшириб туриш лозим. Буғ ўтказгичларнинг вентилларини уларга яқинлашишга қулай жойларга ўрнатиш лозим. Буғ билан иситиладиган камераларга ишчиларни туширишга, буғ узатишни тўхтатгандан сўнг, шунингдек камерани ва улардаги материаллар ва буюмларни 40 °С гача совутгандан кейингина рухсат берилади.

16. Кимёвий қўшимчалардан фойдаланган ҳолда бетон қоришмаларни тайёрлашда ишловчилар териларининг куйишини ва кўзларининг шикастланишини олдини олиш тадбирлари кўрилиши лозим.

17. Бетон узатгичларни йиғиш, бузиш ва таъмирлашга, шунингдек улардан сақланиб қолган бетонни (тиқинни) олиб ташлашга босимни атмосфера босимига туширилганидан кейингина рухсат берилади. Бетон узатгичларни қисилган ҳаво билан тозалаш пайтида ушбу муолажаларни бевосита бажаришда банд бўлмаган ишчилар бетон узатгичдан камида 10 m нарига кетишлари лозим.

18. Ҳар куни бетонни қолипга жойлаш олдиан қолип ва аралаштириш воситаларининг ҳолати текширилиши лозим. Аниқланган камчиликлар дарҳол бартараф қилиниши лозим.

Бетон қоришмани титрама ускунаси билан жойлаш бошланиши олдиан титрама ускунасининг барча қисмларининг ўзаро ҳамда ихота арқонига маҳкамланишининг созлиги ва ишончилиги текширилиши керак.

19. Қовға ёки бункер воситасида бетон жойлашда қовға ёки бункернинг пастки қирраси билан олдин ётқизилган бетон ёки бетон ётқизиладиган сирт орасидаги масофа, агар ишларни бажариш лойиҳасида бошқа масофалар кўзда тутилмаган бўлса, 1 m дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

20. Бетон қоришмани электртитратгичлар воситасида зичлашда титратгични ток келтирувчи шланглар билан тортиб кўчиришга йўл қўйилмайди, ишдаги танаффусларда ҳамда бир жойдан бошқа жойга ўтишда электр титратгичларни узиб қўйиш лозим.

21. Бетон қоришмани 20° дан ортиқ нишабликка эга бўлган сиртга қўяётганида хавфсизлик белбоғларидан фойдаланишлари лозим. Бетон қоришмани автоўзитўккичлар воситасида узатишга мўлжалланган эстакадалар тўқмоқ ғўлалар билан жиҳозланиш лозим. Тўқмоқ ғўла билан тўсиқ орасида камида 0,6 m кенгликдаги ўтиш йўли қолдирилиши лозим.

22. Бетонни электр қиздиришда электр ускунани йиғиш ва таъминловчи тармоққа улаш ишларини хавфсизлик техникаси бўйича III дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган электрмонтёрлар бажариши лозим.

23. Электр қиздириш зонасида изоляцияланган қайишоқ кабеллардан ёки ҳимоя шлангидаги симлардан фойдаланиш лозим. Симларни грунт устига ёки қипиқлар устига ётқизишга, шунингдек изоляцияси бузилган симларни ётқизишга рухсат берилмайди.

24. Бетонни электр қиздириш зонаси бутун сутка давомида электр тармоқ монтажини бажарувчи электрмонтёрлар назоратида бўлиши лозим.

Ушбу участкаларда, хавфсизлик техникаси бўйича II дан паст бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган ва тегишли ҳимоя воситаларидан фойдаланувчи шахслар томонидан

базариладиган ишлардан ташқари, одамларнинг бўлишига ва уларнинг бирор ишларни базаришига рухсат берилмайди.

25. Темир-бетон конструкцияларининг участка билан боғланган, электр ёрдамида қиздириладиган очик (бетонланмаган) арматураси ерга уланиши (нолланиши) лозим.

26. Бетонни қиздиришда қўлланиладиган электр ускунани янги жойга ҳар бир кўчирилганидан сўнг, симларнинг изоляцияси, тўсиқларнинг ҳимоя воситалари ва ерга уланиш ҳолати кўздан кечирилиши лозим.

27. Юклаш ва тушириш ишлари юк кўтариш ҳамда ташиш ускуналари ва кичик механизация воситалари ёрдамида механизациялашган ҳолда амалга оширилиши керак.

Юклаш ва тушириш ишларини амалга ошириш усулларини танлаш хавfli ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсирининг қуйидагилар орқали олдини олиш ёки рухсат этилган меъёрлар даражасига камайтиришни таъминлаши керак:

юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш;

хавфсизлик талабларига жавоб берадиган қурилмалар ва анжомлардан фойдаланиш;

ишлаб чиқариш ускуналарини амалдаги меъёрий-техник ҳужжатлар ва эксплуатация ҳужжатларига мувофиқ ишлатиш;

юкларни ташиш ускуналари билан олиб ўтишда белги ва бошқа турдаги сигналлардан фойдаланиш;

товарларни иш жойлари ҳамда транспорт воситаларида тўғри жойлаштириш ва таҳлаш;

электр узатиш хавфсизлик зоналари, муҳандислик коммуникациялари ва электр таъминоти тугунларига қўйиладиган талабларга риоя қилиш.

Юкни кўтариш ва ташиш ускуналари билан олиб ўтишда ишчиларнинг юкда ва унинг тушиши мумкин бўлган зонада бўлишига йўл қўйилмайди.

28. Объектнинг ёнғин хавфсизлиги ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимлари, шунингдек, ташкилий ва техник чоралар орқали таъминланади.

Ёнғин хавфсизлиги тизимлари одамлар ва моддий бойликларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш даражаси, шунингдек, объектнинг барча босқичлари (илмий ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш)ни ҳисобга олган ҳолда ушбу тизимларнинг моддий бойликлар учун самарадорлигининг иқтисодий мезонлари билан тавсифланиши ҳамда қуйидаги вазифалардан бирини бажарилишини таъминлаши керак:

ёнғин келиб чиқишини олдини олиш;

одамларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

моддий бойликларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

бир вақтнинг ўзида одамлар ва моддий бойликларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш.

Объектларда одамларга ёнғиннинг хавfli омиллари, шу жумладан уларнинг иккиламчи кўринишлари таъсирини талаб даражасида олдини олишга қаратилган ёнғин хавфсизлиги тизимлари мавжуд бўлиши лозим.

29. Ёнғинлар хавfli ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, шунингдек, ёнғин хавfli ва уларнинг иккиламчи кўринишлари туфайли ушбу объектлар ва унинг атрофида жойлашган одамларнинг оммавий шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган

объектлар ёнғин содир бўлишининг минимал эҳтимолини таъминлайдиган ёнғин хавфсизлиги тизимларига эга бўлиши керак.

Шунингдек, ишлаб чиқариш участкаларининг, шу жумладан қолипларни мойлаш учун ишлатиладиган кимёвий моддалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган санитария хавфсизлиги, кимёвий қўшимчалар, уларнинг сувли эритмаларини ва кимёвий қўшимчали бетонларни тайёрлашда портлаш хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилиш керак.

30 Барча саноат ва маиший биноларни тоза ҳаво билан таъминлаш учун уларда табиий, сунъий ёки аралаш шамоллатиш тизими йўлга қўйилган бўлиши керак.

Ишлаш жойидаги ҳавонинг таркибидаги зарарли моддаларнинг концентрацияси, ҳарорати, намлиги ва ҳаракат тезлиги 1-жадвалда келтирилган талабларидан ошмаслиги лозим.

1-жадвал

Ишлаб чиқариш биноларининг иш жойидаги ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво тезлигининг мақбул ва рухсат этилган нормалари

Йил дав-ри	Иш тоифа -си	Ҳарорат, °С					Нисбий намлик, %		Ҳаракатланиш тезлиги, m/s	
		оп-ти мал	рухсат этилган				опти-мал	доимий ва ўзгарувчан иш жойларида рухсат этиладиган даража	оптимал	доимий ва ўзгарувчан иш жойларида рухсат этиладиган даража
			Юқори чегара		Қуйи чегара					
			иш жойларида							
дои-ми-й	ўзга-рувчан	дои-мий	ўзга-рувчан							
Со-вук	Енгил – Ia	22-24	25	26	21	18	40-60	75	0,1	0,1 дан кўп эмас
	Енгил – Ib	21-23	24	25	20	17	40-60	75	0,1	0,2 дан кўп эмас
	Ўрта оғирликда - Pa	18-20	23	24	17	15	40-60	75	0,2	0,3 дан кўп эмас
	Ўрта оғирликда - Pb	17-19	21	23	15	13	40-60	75	0,2	0,4 дан кўп эмас
	Оғир – Ш	16-18	19	20	13	12	40-60	75	0,3	0,5 дан кўп эмас
Или қ	Енгил – Ia	23-25	28	30	22	20	40-60	55 (28, °С да)	0,1	0,1-0,2
	Енгил – Ib	22-24	28	30	21	19	40-60	60 (27, °С да)	0,2	0,1-0,3

Ўрта оғирл икда - Па	21- 23	27	29	18	17	40-60	65 (26, °C да)	0,3	0,2-0,4
Ўрта оғирл икда - ПБ	20- 22	27	29	16	15	40-60	70 (25, °C да)	0,3	0,2-0,5
Оғир - III	18- 20	26	28	15	13	40-60	75 (24, °C да)	0,4	0,2-0,6

31. Иш жойидаги шовқин даражасининг рухсат этилган талабдан ошиб кетмаслиги ҳамда шовқин даражасини пасайтириш йўлида амалдаги стандартларга мувофиқ чоралар кўрилиши лозим.

Шовқин даражасини пасайтириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш керак:

- ишчи томонидан эшитиш қобилиятини йўқотиш хавфини баҳолаш;
- хавфнинг мақбул даражасини ҳисобга олган ҳолда иш жойларини лойиҳалаш;
- паст шовқинли машиналардан фойдаланиш;
- шовқин шаклида қайта тарқалиши мумкин бўлган шовқин ва тебранишларнинг тарқалишига тўсқинлик қилувчи материаллар ва иншоотлардан фойдаланиш;
- иш жойидаги шовқин таъсирини камайтириш учун шовқинли машиналарни оптимал жойлаштириш;
- шовқиннинг зарарли таъсири бошқа салбий омиллар мавжудлиги билан кучаймайдиган иш шароитларини яратиш;
- шовқинга тиббий қарши кўрсатмага эга бўлмаган шахсларни меҳнатга жалб қилиш ва аудиометрия воситаларидан фойдаланган ҳолда уларни мунтазам тиббий кўриқдан ўтишларини таъминлаш;
- ишчиларни машиналардан тўғри фойдаланишга ўргатиш орқали уларда эшитиш қобилиятини йўқотиш хавфини камайтириш;
- шовқиннинг салбий таъсиридан келиб чиққан ҳолда ишчининг соғлиғи хавфини камайтириш бўйича иш берувчи томонидан кўрилган чоралар ва агар у ушбу чораларга риоя қилмаса, унга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо чоралари тўғрисида ишчиларни хабардор қилиш;
- шахсий шовқиндан ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш;
- иш жойларида даврий шовқин назоратини ўтказиш ва натижаларга кўра ходимга шовқин юкини камайтиришга ёрдам берадиган иш режимини ташкил этиш, шунингдек, унга риоя этилишини назорат қилиш;
- таъмирлашдан кейинги ва агар керак бўлса, машиналарнинг шовқин хусусиятларини даврий назорат қилиш;
- шовқиннинг салбий таъсирини камайтирадиган профилактика чораларини ташкил қилиш;
- ишчиларнинг эшитиш қобилиятини сақлаш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқиш.

32. Иш жойларида вибрация даражаси меъёрга белгиланганидан ошмаслиги керак. Вибрациянинг ишчиларга зарарли таъсирини бартараф этиш учун қуйидаги махсус тадбирларни қўллаш керак: конструктив, технологик ва ташкилий, тебраниш изоляцияси ва тебранишни сусайтириш, масофадан бошқариш, шахсий химоя воситалари.

Шу билан бирга тебранишнинг зарарли таъсирини бартараф этишда қуйидаги чоралар ҳам қўлланилиши керак:

-
- тебраниш фаоллиги камроқ бўлган машиналардан фойдаланиш;
- тебранишнинг тарқалишини ва унинг инсонга таъсирини олдини олувчи материаллар ва конструкциялардан фойдаланиш;
- иш жойидаги тебранишларни минималлаштириш учун вибро-фаол машиналарни оптимал жойлаштириш;
- тебранишнинг зарарли таъсири бошқа салбий омиллар мавжудлиги билан кучаймайдиган иш шароитларини яратиш;
- тиббий қарши кўрсатмага эга бўлмаган шахслардан вибрацияли хавфли касблар ишчилари сифатида фойдаланиш ва уларнинг мунтазам тиббий кўрикдан ўтишларини таъминлаш;
- тебраниш хавфли касблар бўйича ишчиларни дастгоҳлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш орқали тебраниш касаллигига чалиниш хавфини камайтириш;
- тебраниш хавфли касблар билан шуғулланувчи ишчиларни тебранишнинг салбий таъсири туфайли ишчининг соғлиғининг ёмонлашиши хавфини камайтириш бўйича иш берувчи томонидан кўрилаётган чоралар ва агар бу чораларга риоя қилмаган ходимга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган чоралар тўғрисида хабардор қилиш;
- тебранишдан химоя воситаларидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш;
- иш жойларида тебранишнинг даврий мониторингини ўтказиш ва унинг натижаларига кўра одамга тебраниш юқини камайтиришга ёрдам берадиган иш режимини ташкил этиш, шунингдек, унга риоя этилишини назорат қилиш.

33. Шлак-ишқорли боғловчилар ва улар асосидаги уя тузилишли бетон билан ишлашда махсус иш кийими (комбинезонлар, резина фартуклар, қўлқоплар, респираторлар ва кўзойнаклар)дан фойдаланиш керак.

34. Корхона ҳудудидаги ишлаб чиқариш ва ёрдамчи цехларда табиий ва сунъий ёритиш амалдаги меъёрий ҳужжат талабларига мос келиши керак.

35. Буюмларни ишлаб чиқаришда атроф-муҳитни ифлослантirmайдиган технологик жараёнлардан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш учун комплекс чора-тадбирларни ҳисобга олиш керак. Ҳавога чиқариб ташланадиган зарарли моддалар концентрацияси аҳоли яшаш жойларининг атмосфера ҳавосида ифлослантuрувчи моддаларнинг максимал рухсат этилган концентрациясига ва оммавий дам олиш жойларида 0,8 га мувофиқлигини таъминлаши лозим.

Сув ҳавзаларидаги сувда ифлослантuрувчи моддаларнинг максимал рухсат этилган концентрациясидан ошиб кетишининг органолептик ва санитар-токсикологик кўрсаткичларига кўра сувдаги зарарли моддаларнинг умумий миқдори 1,0 дан ошмаслиги лозим.

5-боб. Арматурани коррозиядан химоялаш

36. Уя тузилишли бетондан буюмлардаги каркас ва тўрларнинг арматурасини коррозияга қарши қопламалар билан ҳимоялаш лозим. Қоплама билан қоплашдан олдин арматуранинг юзаси қуруқ, занг ва мойдан тозаланган бўлиши керак.

37. Коррозияга қарши қопламалар сифатида цемент-битумли, цемент-полистиролли, иссиқ ингибиторланган сланец-битум-цементли ёки латекс-минерал мастикалардан фойдаланиш керак. Мастикаларни тайёрлаш ва қўллаш 1-иловага мувофиқ амалга оширилиши керак.

38. Сеткалар ва каркасларга қўлланиладиган мастикалар табиий шароитда ёки иситиладиган ҳаво билан қуритилиши керак ва бу қоплама шикастланишларсиз ташиш ва қолипларга ётқизишга бардош бериши керак.

39. Агар каркаслар ва тўрларнинг арматураларини қопламалари ташиш ёки қолипларга жойлашда баъзи жойлари кўчиб кетса, қопламанинг бутунлиги бузилса, уни қайтадан ҳимоя билан қоплаш керак бўлади.

40. Автоклавда қотирилган бетон конструкцияларнинг ўрнатиш қисмларини ҳимоя қилиш учун алюминий қопламаларни назарда тутиш керак бўлади.

Шу билан бирга, таркибида олтингугурт гази ва серовород-водород сульфид сақланган агрессив газсимон муҳитидаги бино ва иншоотлар конструкцияларнинг ўрнатиш қисмлари ва бириктирувчи элементларининг ҳимояси учун алюминий қопламаларни ишлатиш тавсия қилинади. Бетон билан мулоқот қиладиган ўрнатиш қисмларига алюминий қоплаш устига конструкцияларни бетонлашгача яна қўшимча равишда ҳимоявий қайта ишланиши лозим.

Комбинация қилинган металлизацион қоплама ва металлизацион қатламларнинг қалинлиги руҳ ва алюминий қопламалар учун камида 120 mm ва буюмга ишчи чизмаларда кўрсатилган талабларига мувофиқ бўлиши керак.

6-боб. Уя тузилишли бетон қоришмаси таркибини танлаш

41. Уя тузилишли бетон қоришмасининг таркибини танлаш бетон ёки хомашёнинг хусусиятлари ва ишлаб чиқариш технологиясига талаблар ўзгарганда корхона лабораторияси томонидан амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, корхона фаолияти давомида лаборатория хомашё хоссаларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда қоришманинг таркибини мослаштириши керак.

42. Уя тузилишли бетон қоришмасининг тажриба намуналарини талаб этиладиган сиқилишдаги мустаҳкамлик, ўртача зичлик каби кўрсаткичлари бўйича синов натижалари асосида уя тузилишли бетон қоришмасининг ишчи таркибини белгилаш лозим.

43. Уя тузилишли бетон қоришмасининг ишчи таркибини ишлаб чиқариш текширувидан ўтказилганидан сўнг 1 m³ бетон ва аралашмага сарфланадиган материаллар жадвалини ҳамда буюмни ишлаб чиқариш технологик картасини тузиш керак.

7-боб. Уя тузилишли бетон қоришмасини тайёрлаш

44. Газобетон қоришмасини гидродинамик аралаштиргич ёки тебратгичли аралаштиргичда тайёрлаш лозим.

45. Газобетон қоришмаси учун гидродинамик аралаштиргичда материалларни солиш кема-кетлиги қуйидагича бўлиши керак: қумли шлам + сув + боғловчи + қўшимча ёки сув + куруқ қум + боғловчи + қўшимча, 2 min аралаштирилгандан сўнг қориштиргичга берилган миқдордаги алюмин кукунининг сувдаги суспензияси узатилади ва аралашма яна 1–2 min қорилади.

46. Тебратма аралаштиргичга материалларни юклаш кема-кетлиги қуйидагича бўлиши керак: бошланишида қум шлами ва сув солинади ва 30 s аралаштирилади, шундан сўнг боғловчи ва алюмин кукунининг сувдаги суспензияси қўшилади. Тебратма аралаштиргич жадаллиги $300\text{--}1000\text{ cm}^3/\text{s}$ бўлиши керак.

47. Кўпик бетон қоришмасини тайёрлаш горизонтал ёки вертикал валли бетонқорғичларда амалга оширилиши керак. Горизонтал валли бетонқорғичда 5 min давомида боғловчи, кремнезёмли компонент ва сувдан қоришма тайёрланади. Кейин керакли ҳажмдаги кўпик генератори орқали бетонқорғичга қуйилади ва бир ҳил масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади, сўнг тушириш шланги орқали у қолипларга узатилади.

Вертикал ўқли юқори тезликда ишлайдиган қорғичда уя тузилишли бетон қоришмаси қуйидагича тайёрланади: керакли миқдордаги компонентлар – сув, кўпик ҳосил қилувчи, боғловчи ва кремнезёмли компонент ишлаб турган бетон қорғичга солинади. Барча таркибий қисмлар бир ҳил масса олингунча 4-5 min давомида аралаштирилади. Уя тузилишли бетон қоришмасини аралаштириш пайтида кўпириш рўй беради. Тайёр қоришмани тушириш шланги орқали қолипларга узатилади.

48. Боғловчи ва кремнезёмли компонентларни қадоқлаш тарозили дозаторлар билан масса бўйича $\pm 1\%$ боғловчи учун ва кремнезёмли компонент учун $\pm 2\%$ аниқликда амалга ошириш керак.

49. Дисперс арматураланган уя тузилишли бетон ишлаб чиқаришда ишлатиладиган толаларни уя тузилишли бетон қоришмасига қуйидаги усуллар билан киритиш мумкин:

- куруқ аралашмага олдиндан тола қўшиш;
- фибра толали қоришмани тўғридан-тўғри кўпик бетон қоришмасига аралаштириш жараёнида қўшиш;
- фойдаланиладиган сувга толани олдиндан қўшиш.

Уя тузилишли бетон қоришмасига асбест (3-5 % куруқ материаллар) қўшилганида, уни аввал қорғичда титиш лозим. Қорғичларни ҳар бир ишчи смена ва иш вақтидаги давомли танаффуслардан кейин ювиш керак.

8-боб. Буюмларни қолиплаш

50. Буюмларни қолиплаш қабул қилинган ишлаб чиқариш усулининг технологик схемасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

51. Таглик ва қолип бортларини яхшилаб тозалаш, мойлаш ва $40\text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратгача иситилиши керак. Буюмларни қолипларни тагига пардозбоп материаллардан ётқизиб қолипланганида қолипларнинг таги мойланмайди.

52. Қолипни мойлашда қуйидаги таркибдаги материаллар қўлланилиши лозим: петролатум-керосин аралашмаси – 1 улуш петролатум ва 2,5 улуш керосин; солидол ёки автол керосин қоришмаси билан оғирлиги бўйича 1:1 нисбатда; масса бўйича 1:3 нисбатда қулис ва машина мойининг аралашмаси.

Мойни қолипларни мойланадиган юзасининг 1 м² учун 150 g ҳисобида суртиш керак.

53 Қолипларга арматура каркаслари, тўрлар ва ўрнатилган деталлар стерженлари қийшиқлик ва механик шикастларсиз бўлиши керак. Каркасларни яхлитлаш учун йиғиш махсус кондукторларда амалга оширилиши керак.

Ўрнатилган деталлар ва арматура каркаслари уя тузилишли бетон қоришмасини қолипларга қуйиш ва қоришмани кўпчиш вақтида сурилиб кетишини олдини олиш учун қолипларга маҳкамланиши керак. Арматура каркасларини қолипга жойлаштиришда лойиҳа ҳолатидан четга чиқиши стандартда ёки буюмнинг ишчи чизмасида кўрсатилган рухсат этилган чегарадан ошиб кетмаслиги керак.

54. Бетон ҳимоя қатламининг талаб қилинган қалинлигини таъминлаш учун (25 mm дан кам бўлмаган) арматураси ва тўрларини белгиловчи тагликка жойлаштириш лозим.

55. Қолип бир мартада тўлдирилиши керак. Қолипни уя тузилишли бетон қоришмаси билан тўлдириш баланлигини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаш керак

$$h = K_r h_0 \frac{\rho_r}{\rho_p}; \quad (1)$$

бу ерда, K_r – кўпчишдан кейин “бўртиқ” баландлигини ҳисобга олувчи коэффициент;

h_0 – қолипнинг баландлиги, см;

ρ_r - газобетон қоришмасининг ҳажм оғирлиги, kg/l;

ρ_p – қоришманинг ҳажм оғирлиги, kg/l.

Қолиплашнинг қуйма усулида K_r коэффициенти 1,1 га ҳамда вибрация ва қолиплашни қуйма усулида амалга оширилганда баландлиги 60 см бўлган массив учун 1,05 га тенг қилиб қабул қилинади.

56. Буюм ёки массивларни қуйма усул ёрдамида қолиплашда қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

- ПО-6 (кўпик ҳосил қилувчи) ва СНВ (кўпик олиш учун темир сульфат) қўшимчали уя тузилишли бетон қоришмасидан пардоз қатлами бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда газобетон қоришмаси бу қатламга ётқизилганидан кейин 30 min дан олдин ва 1 h дан кечиктирмасдан қуйилиши керак; тўғридан-тўғри керамик ёки шиша плиткалардан гилам-мозаикали гиламларга қуйилаётганда – гиламлар қолипларга маҳкамланганидан 30 min дан кейин қуйилиши керак;

- уя тузилишли бетон қоришмаси шишганидан кейин қолипларни қуйиш постларида 15-20 °C ҳароратда, зарур пластик мустаҳкамликка етишгунча ушлаб турилиши керак. Зарур пластик мустаҳкамликка эришишни тезлаштириш учун қоришма билан қолипни 70-80 °C ҳароратдаги иссиқлик камераларида 1,5-2 h давомида сақлаш керак. Уя тузилишли бетон қоришманинг пластик мустаҳкамлигини назорати пластометр ёрдамида амалга оширилади;

- газобетон қоришманинг шишиши натижасида ҳосил бўлган “бўртиқ” кесилади ёки текисланади. “Бўртиқ”ни кесиш юза қатлами $100-150 \text{ g/cm}^2$ пластик мустаҳкамликка етганида, “бўртиқ”ни текислаш юза қатламининг пластик мустаҳкамлиги $150-200 \text{ g/cm}^2$ га тенг бўлганда механик усулда амалга оширилиши керак.

57. Газобетон буюмларини вибрация усулида қолиплаш “Уя тузилишли бетондан буюмларни комплекс вибрация технологияси бўйича тайёрлаш йўриқномаси”га мувофиқ амалга оширилиши керак.

58. “Бўртиқ”ни кесиш ва массивни кесиш натижасида олинган уя тузилишли қотмаган бетон чиқиндилари қоришма қорғичда сув билан аралаштириб, қайта ишлатиш учун махсус шлам ҳовузга қуйилиши керак.

59. Қуйма усулда қолипланган кўпик бетондан тайёрланган буюмлар иссиқ-намлик билан ишлови беришдан аввал камида 8 h давомида ҳаво ҳарорати $18-20 \text{ }^\circ\text{C}$ бўлган хонада сақланиши керак. Шу билан бирга, буюмларнинг юзаси интенсив равишда қуриб қолишидан ҳимояланган бўлиши керак.

60. Қолипланган буюмни қолипларни аравачаларга кўтариш, ташиш ва жойлаш қолипларни қийшайишини олдини олувчи шарнирли траверсалар билан амалга оширилиши керак. Эгилувчан арконлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Уя тузилишли бетон массивини кўтариш, уни қолиплардан ажратиб олиш ва кесиш машинаси столига узатиш уя тузилишли тўла қотмаган бетон массивларини сиқиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган ушлагичлар билан амалга оширилиши керак.

61. Қирқувчи технология бўйича буюмни тайёрлашда қуйидаги талабларни назарда тутиш керак:

- қолип таги юзалари ва кесиш дастгоҳи столининг фарқи арматураланмаган майда буюмлар учун 1 mm/m , арматураланган йирик ўлчамли буюмлар учун $0,4 \text{ mm/m}$ дан катта фарқ қилмаслиги керак.

- массивни кўтариш ва тушириш силкиниш ва зарбаларсиз бир текис амалга оширилиши керак.

- дастлабки сиқишни олиб ташлашдан олдин, тўла қотмаган уя тузилишли бетон массаси кесиш машинасининг иш столи юзасига бир текис жипслашиши, ушлагичнинг массаси маҳкамлаш мосламасига ўтказилиши керак.

- массивнинг бутун ҳажмида уя тузилишли бетон қоришмасининг пластик мустаҳкамлигини нотекис ўзгаришларни олдини олиш учун қолип деворлари очилгандан то кесилгунча ушлаб туриш вақти 10 min дан ошмаслиги керак.

62. Қолип деворларини очишга қадар арматура каркасларини ушлаб турувчи кондукторни ечиш керак.

Массивнинг пастки юзасида (унинг баландлигининг $1/3$ қисми сатҳида) дастлабки сиқиш миқдори $250-300 \text{ g/cm}^2$ бўлиши керак.

63. Бўйлама-вертикал ва горизонтал кесишда I синф камон симидан ясалган диаметри $0,8-1,2 \text{ mm}$ бўлган силлиқ симлар билан жиҳозланган ускуналардан фойдаланиш керак.

Кесиш тезлиги $5-7 \text{ m/min}$ бўлиши керак. Агар кесиш симлари тебраниш ҳаракатларини қилса ва симларнинг массивдан чиқадиган зонасида таянчлар бўлмаса, кесиш тезлиги $0,15 \text{ m/min}$ дан ошмаслиги керак.

64. Кўндаланг кесишда сими тебранма ҳаракатланадиган қирқиш ускунасини қўллаш керак. “Пастдан юқорига” кесишда диаметри 0,8-1 mm бўлган силлиқ симлардан фойдаланиш керак. “Юқоридан пастга” кесишда диаметри 0,3-0,5 mm бўлган симдан спирал ўралган ҳолда диаметри 1,2 mm гача бўлган симлар ишлатилиши керак. Кўндаланг кесиш “пастдан юқорига” бўйлама-вертикал ва горизонтал кесишдан олдин амалга оширилади.

65. Тўла қотмаган уя тузилишли бетон массивини горизонтал кесиш уч сатҳдан ортиқ бўлганида кесувчи симларни бир-биридан камида 400 mm масофада ўрнатилиши керак.

Бир-бирининг остига ўрнатилган симларнинг сони шундай бўлиши керакки, кесилган маҳсулотлар пакетини бир хил вертикал текисликда маҳаллий тушириш 2-3 mm дан ошмаслиги керак.

Бўйлама-вертикал ва горизонтал кесиш билан бир вақтда, ён юзаларни калибрлаш, ўйиқларни кесиш ва фаска очиш керак. Тўла қотмаган уя тузилишли бетон массивини горизонтал ва вертикал кесиш билан бир вақтда “бўртиқ”ни олиб ташлаш керак.

9-боб. Буюмларга иссиқ-нам ишлов бериш ва қолипдан ечиш

66. Қолипланган буюмларнинг қотиши учун автоклавда ишлов бериш, буғилаш ва электрда иситишдан фойдаланиш керак. Буғилаш ва электрда иситишдан фақат цемент ва домна шлакларидан тайёрланган буюмлар учун фойдаланиш керак. Маҳсулотларга икки босқичли иссиқ-нам билан ишлов беришга рухсат берилади – аввал буғлаш, сўнгра автоклавда ишлов бериш.

67. Буғлашнинг дастлабки даврида автоклавдаги ҳавони буғ оқими билан чиқариб юбориш керак. Автоклавда ҳароратнинг 100-105 °C гача кўтарилиши 0,7-1,5 h давомида бир текисда бажарилиши керак. Автоклавни буғ оқими билан тозалаш (продувка) вақтини маҳсулотнинг марказидаги ҳарорат 70 °C ёки ундан юқори даражага етгунча амалга ошириш мумкин. Автоклавга буғни детурбуляция қурилмаси орқали бериш керак.

68. Автоклавда ишлов бериш тартиби 2-жадвалда келтирилган; уни қўлланиладиган материалларнинг ўзига хослиги ва хоссаларини ҳисобга олиб завод шароитида аниқлаш мумкин.

Уя тузилишли бетондан буюмларга амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган физик ва техник хоссаларга эга бўлиш, шунингдек, ишлаб чиқариш учун иқтисодий асосга эга бўлиш шарти билан автоклавда буғнинг паст босимида ишлов беришга йўл қўйилади.

Кўтариш ва ушлаб туриш даврида босимнинг пасайишига йўл қўйилмайди. Автоклавдаги босим ўзгарувчанлиги 0,2 bar (атм) дан ошмаслиги керак. Автоклавда ишлов бериш режимини бошқариш жараёни автоматлаштирилган бўлиши керак.

69. Автоклавдаги минимал рухсат этилган қолдиқ босимнинг қиймати (максимал ташқи ортиқча босим) автоклав паспорти ёки ишлаб чиқарувчи заводнинг рухсатномасида кўрсатилиши керак.

70. Газобетон буюмлар ишлаб чиқаришнинг кассетали усули бўйича, автоклавда ишлов беришдан олдин, газобетон билан камида 5 kg/cm² мустаҳкамликка эришиши учун

буюмларни кассеталарда 7 h давомида буғлаш керак. Кассеталарга буғ газобетон шишгандан 2 h ўтгач берилиши керак. Кўп ўринли кассеталардан фойдаланганда буғлаш 2+2+3 h лик режимда, икки ўринли кассеталарда эса 2+4+1 h режимда (бетон ҳароратини 95-100 °C гача кўтариш + буғлаш орқали иситиш + қолип деворлари ёпиқ ҳолдалигида совитиш) амалга оширилиши керак.

Маҳсулотларни қолипдан ечиш ва уларни автоклав аравачаларига ўтказиш буғлаш тугагандан сўнг дарҳол амалга оширилиши керак.

Автоклавда ишлов бериш тартиби

Номенклатураси	Маҳсулот қалинлиги, mm	Даврнинг давомийлиги, соат					Автоклавда ишлов беришнинг умумий давомийлиги, h
		Иситиш ва буғ оқими билан тозалаш (продувка)	Буғ босимини 8 bar (атм) гача кўтариш	8 bar (атм) да ушлаб туриш	Босимни пасайтириш	Вакуумлаш	
1	2	3	4	5	6	7	8
Ўртача зичлиги 500-700 kg/m ³ бўлган уя тузилишли бетондан ташқи девор учун буюмлар	200	0,7-1,5	1,5	6-7	1,5-2	0,5-1,5	10,2-13,2
	240	0,7-1,6	1,5	7-8	1,5-2	0,5-1,5	11,2-14,5
	300	0,7-1,5	1,5	9-10	1,5-2	1-1,5	13,7-16,5
Баландлиги 600 mm бўлган массивни горизонтал кесиш орқали ишлаб чиқарилган буюмлар	-	0,7-1,5	1,5	5-14	1,5-2	1-1,5	$\frac{9,7-11,5}{19,2-20,5}$
Баландлиги 600 mm бўлган массивни вертикал кесиш орқали ишлаб чиқарилган буюмлар	-	0,7-1,5	1,5	5-9	1,5-2	1-1,5	$\frac{9,7-11,5}{13,7-15,5}$
Ўртача зичлиги 800-1200 kg/m ³ бўлган уя тузилишли бетондан ички девор учун буюмлар	-	0,7-1,5	1,5	9-10	2-3	1-1,5	14,2-17,5
Ўртача зичлиги 300-	200	0,7-1,5	1,5	5-6	1,5-2	1-1,5	9,7-12,5

400 kg/m ³ бўлган иссиқлик изоляция буюмлари	240	0,7-1,5	1,5	6-7	1,5-2	1-1,5	10,7-13,5
	300	0,7-1,5	1,5	8-9	1,5-2	1-1,5	12,7-16,5

Эслатма. 8-устунда чизиқ устида таъсир қилиш вақтида маҳсулотнинг марказида дастлабки ҳарорат 70 °С дан юқори бўлгандаги автоклавда ишлов бериш давомийлиги берилган; чизиқ остида – дастлабки ҳарорат 70 °С дан паст бўлгандаги автоклавда ишлов бериш давомийлиги берилган.

71. Портландцементдан фойдаланиб тайёрланган уя тузилишли бетон буюмларини алоҳида қолипларда буғлашда буғлаш камераларида сақлаш ҳарорати 85 ± 5 °C, шлакопортландцементдан эса 90 ± 5 °C бўлиши керак.

Буюмни буғлаш тартиби 3-жадвалда келтирилган.

3-Жадвал

Буюмни буғлаш тартиби

Маҳсулот қалинлиги, mm	Иссиқлик билан ишлов бериш давомийлиги (ҳарорат кўтарилиши + ўзгармас ҳароратда ушлаб туриш + совитиш), h	Умумий давомийлик, h
200гача	1,5+8+1,5	11
200-300	2,5+10+1,5	14
400-600	3+12+2	17

72. Буюмга иссиқ-нам ишлов беришдан сўнг уни ҳарорати 18 °C дан кам бўлмаган хонада қолипдан бўшагунгача 2 h давомида тутиб туриш керак.

10-боб. Йиғма панелларни яхлитлаб йиғиш

73. Йиғма панелларни ташкил этувчилари асосида алоҳида буюмлардан заводда йиғиш керак.

74. Йиғма панелларни яхлитлаб йиғиш горизонтал ёки вертикал ҳолатларда елим таркиблари ва тортиш пўлат арқонлари ёки маҳкамлаш-монтаж мосламалари ёрдамида амалга оширилади. Елим брикмасининг сифати махсус техник шартлар билан тартибга солиниши ва мунтазам текширилиши керак.

75. Йиғма панелларни тортиш пўлат арқонлари ёрдамида яхлитлаб йиғиш махсус кантователь (йиғиш) ёки стендларда қуйидаги операциялар кетма-кетликда амалга оширилиши керак: аввал буюмлар қўйилади ва бириктириладиган юзаларига елим таркиблари суртилади, кейин аввалдан тайёрланган тешиқларга гайка ва шайбали тортигичлар ўрнатилади, сўнг улар таранглаштирилади. Буюм юзаси пардозлангандан, дераза блоклари, дераза токчалари ва бошқалар ўрнатилганидан кейин тортигичлар қайта тарангланади [гайкалар қаттиқроқ бураб (тортиб) қўйилади]. Дастлабки ва кейинги таранглаш қиймати йиғма панелларнинг чизмаси ва техник шартларда келтирилган бўлиши керак. Таранглаш текширилган гайка бурагич ёки бошқа қурилмада бажариш керак.

76. Йиғма панелларни йиғиш жараёнида доналаб назорат қилиш, буюмларни бири-бирига улашда кўринмас ишлари (айниқса, икки эшик ёки дераза оралиғидаги деворларни белбоғ ва равоқлар билан мустаҳкамлаш бўйича) ва камар ёки бошқа маҳкамлаб-йиғиш

қурилмалари бўйича мустаҳкамлаш техник назорат бўлими томонидан бажарилиши лозим.

77. Панелларнинг асосий улаб турувчиларнинг мустаҳкамлигини синаш схемаси ва уларни бажариш тартиби йиғма панелларнинг ишчи чизмаларида келтирилган бўлиши керак.

11-боб. Деворбоп буюмлар ва йиғма панелларни пардозлаш

78. Девор буюмлари ва йиғма панелларнинг сиртини пардозлаш 4-жадвалга мувофиқ белгиланиши керак. У 5-жадвал талабларига жавоб бериши керак. Буюм ва панель пардозларининг тури ишчи чизмада кўрсатилган бўлиши керак.

79. Қолиплаш даврида девор буюмларини ташқи юзасини пардозлаш, қолипга уя тузилишли бетон қоришмасини қўйишдан ёки қалинлиги 2-3 см ли ораликдаги қатлам ғоваклаштирилган қоришмани ётқизишдан олдин майдаланган ёки плитали тош материаллар билан бажарилиши керак. Ғовак ҳосил қилувчи қўшимча сифатида кўпик ҳосил қилувчи ПО-6 га олтингугурт кислотали темир қўшилмаси СНВ ёки суюқ шиша қўшилган сульфанолаш қўллаш лозим.

Ғовак қоришмаларни айланишлар сони минутига 120-150 бўлган қоришма қорғичда қуйидаги кетма-кетликда тайёрлаш керак: сув + қўшимча + боғловчи + тўлдиргич. Аралаштириш вақти 2-5 min бўлиши керак.

80. Фракцияси 10-20 mm, совуққа чидамлилиги 35 цикл бўлган майдаланган материаллар – гранит, мрамор, доломит, оҳактош ўз-ўзидан бузилувчи елимларга, намлиги 6-8 % кум ёки қум ва гипс (4:1 нисбатда) ва сув қоришмасидан иборат тўшамага ётқизилиши керак.

Тўшаманинг қалинлиги майдаланган материалнинг йириклигидан икки баробар кам бўлиши керак. Виброгазобетондан буюм қолиплашда майдаланган тош материаллар қуруқ бўлиши ва улар ётқизгандан сўнг синтетик латекс СКС-65ГП ёки акрил эмульсияси МБМ-5с билан маҳкамланиши керак.

Маҳкамлаш материаллари 1 m² га сарфи учун 0,2 l бўлиши керак. Арматура каркасларини ўрнатиш ва виброгазобетонни қуйиш латекс қўлланилгандан кейин 1,5 h дан кейин амалга оширилиши керак. Майдаланган тош материалларидан нақшли буюмлар тайёрлашда қолипнинг пастки қисмига пўлат шаблонлар ўрнатилиши керак.

81. Уя тузилиши бетондан бўртма нақшли юза ёки ғовакланган қоришма олиш учун қолипнинг тагига пўлат, асбест, бетон қолиплар ўрнатиш лозим ёки қолипни ён томони билан кесиб қўйилган синтетик пардаси билан маҳкамланган бўртма нақш ҳосил қилувчи материаллар ётқизилган бўлиши керак. Қолипнинг бўртма қиррасини оғиш бурчаги 60⁰ дан катта бўлмаслиги керак, бўртма изининг чуқурлиги эса панель қалинлигининг 10 % дан катта бўлмаган қисмини ташкил қилган бўлиши керак. Панельни қолипдан бўшатгандан кейин бўртмага албатта ҳимоя пардоз қопламаси туширилиши керак.

82. 22x22 mm ўлчамдаги гилам-мозаикали шиша плиткалар, плиткалар орасидаги чок 5,5 mm, 48x48 mm ўлчамдаги керамик плиткалар (сирланган ва сирланмаган) камида 7 mm чок ва “Брекчия” туридаги плиткалар қолипнинг пастки қисмига ётқизилиши керак,

сўнгра унинг устига виброгазобетон қоришмасини қуйиш ёки ғовакли қоришманинг оралиқ қатламини ётқизиш керак (қуйма қолиплаш усулида).

Олдиндан қолипнинг тагига крафт қоғозини ётқизиш лозим. Гилам қоғозга галертли елим билан ёпиштирилади. Плиткалараро, кўрсатилган чокларнинг белгиланган кенглиги гиламларни қолипда улаш вақтида ҳам сақланиб қолиши керак. Буюмни кўндаланг кесимли томонини пардозлашда гилам қолипнинг ён томонига ёпиштирилади, бир вақтнинг ўзида эгиб туриб ва уни пастки қисмини қолипнинг тагига, тепа қисмини эса ён томон горизонтал текислигига ёпиштирилади. Пардозли девор буюмларни тебранма усул бўйича қолиплашда тебраниш вақти 5 min дан ошмаслиги керак.

83. Деворбоп буюмларнинг ташқи юзасига охирги ишлов бериш (мой доғларини, қоғозларни, елимни, қумларни, мустаҳкамланмаган тош материалларини, кўчган цемент пардаларини кетказиш) уни қолипдан кўчирилгандан сўнг бажарилиши керак. Силлик юзани олиш учун С-475 ва С-420 фрезалаш, мозаика-ҳимоялаш, машиналарини қўллаш лозим. Қоғозлар, елимлар, қумлар ва тош материал зарраларини тозалаш механик чўткалар билан бажарилади.

Девор буюмлари ва йиғма панелларнинг сиртини пардозлаш

Деворбоп буюмлар ва йиғма панелларнинг ташқи қатлами ва қопламалари		Хоналар учун деворбоп буюмлар ва йиғма панелларнинг ички қатлами ва қопламалари	
атмосфера намлиги таъсирига учраган (цокол усти)	қуруқ ва нормал намлик режимли хоналарда	нам режимли	қуруқ ва нормал намлик режимли
Горизонтал қолипларда қолиплаш жараёнида			
